



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

105 u -son

Boğ‘ot shaharchasi

Фуқаро Матчанов Муҳаммад Ярашбоевичга Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига вақтинча енгил конструкцияли “Континер” ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида.

Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласида яшовчи фуқаро Матчанов Муҳаммад Ярашбоевичнинг “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,8x6,0) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 2 декабрдаги ХО-М-3404-сонли аризасини, Боғот туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2020 йил 23 декабрдаги 486-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласида яшовчи фуқаро Матчанов Муҳаммад Ярашбоевич “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига (2,8x6,0) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли Континерни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Матчанов Муҳаммад Ярашбоевични “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,8x6,0) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Матчанов Муҳаммад Ярашбоевич “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,8x6,0) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев